

2012 йил Мустақкам оила ўли

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 8-NOYABR, PAYSHANBA, 131 (8056)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

Фарғона Вилояти



ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК – МУҲОФАЗАДА

Фарғона тумани тиббий бирлашмасига қарашли туғуруқ комплексиди оналар ва болалар ўртасидаги саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилляпти. Айни кунда “Са-

ломатлик-3” лойиҳасига кўра замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган туғуруқ комплексининг акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатрлари “Бехатар оналик” дастури доирасида репродуктив саломатлик, туғуруқлар ораллиги-

ни сақлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, гўдакларни парваришлаш бўйича олиб бораётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда.

СУРАТДА: ишфокор Маҳфизат Маърутова. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

САҲИФАЛАРДА:



ТАБИАТ АСЛ ҲОЛИДА ТАБИАТ 3



ҚОВУН — ЭКСПОРТГА 4



ЮРТ КЎРКИГА ОШУФТАЛИК ТУЙҒУСИ 8

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ИНТИЛМОҚДА

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиларининг “Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!” шиори остида тўрт кунлик республика анжумани бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юз нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этмоқда.

Мустақиллик йилларида баркамол авлодни тарбиялаш умуммиллий вазифага айланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт, деган теран маъноли сўзларида мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Зеро, ўз олдимишга қўйган буюк мақсадларга эришишимиз, юрт келажаги, аввало, ёшларимизга боғлиқдир.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этаётди. Ўз сафарларида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган беш миллиондан зиёд ёшларни бирлаштирган ушбу ташкилот ёшларга хос фаоллик, илгор гоё ва интилишлар туйғайли ҳар бир йигит-қиз ҳаётида муносиб ўрин эгалламоқда.

“Камолот” мамлакатимиз ёшларини Ватанимиз равнақи йўлида бирлаштириш, маънан етув, мустақил фикрлайдиган, аниқ ҳаётий позицияга эга авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, ёш авлоднинг ҳуқуқ ҳақида маънафатларини химоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Харакат ёшларнинг замонавий касбларни эгаллашга интилишларини қўллаб-қувватла-

моқда, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга, интеллектуал ҳамда ижодий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, ёшлар ўртасида экологик маданиятни шакллантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашмоқда. “Камолот” ёшларнинг кенг қатламларини бирлаштирган ҳолда, ҳар йили қўллаб маънавий-маърифий тадбирлар – фестиваллар, форумлар, конференциялар, танловлар, ижодий кечалар, спорт мусобақалари ўтказиб келмоқда.

Ушбу юз мақсадларга эришишда ҳаракат бошланғич ташкилотларининг ўрни каттадир. Бугунги кунда барча таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, корхона ва ташкилотларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 15,6 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Бу галги республика форуми меҳнат жамоаларида ёшлар билан ишлашда бошланғич ташкилотлар етакчиларининг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш, ишловчи ёшлар дуч келаётган масалаларни аниқлаш, шунингдек, уларни ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш, бошланғич ташкилотларнинг илгор тахрибасини оммалаштиришга қаратилган. Зеро, форумда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Энг намунали бошланғич ташкилоти” республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари яқунларида кўра энг илгор, деб топилган йи-

гит-қизлар иштирок этмоқда.

– Танлов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда ташкил қилинган ҳудудий ўқув семинарлар доирасида ўтказилди, – дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўлими бошлиғи Одил Тожиёв. – Уларда корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотларнинг 1114 нафар етакчиси қатнашди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ислохотлар жараёнида ёшларнинг иштирокини кучайтириш, йигит-қизларнинг онгида юрт тақдирига дахлдорлик ва масъуллиқ туйғусини мустаҳкамлаш, “Камолот”нинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, илгор тахрибасини оммалаштириш, ўзаро фикр алмашиш учун кенг имкониятлар яратиш ўтказилган тадбирларнинг асосий мазмунини ташкил этди.

Ҳудудий ўқув семинарларида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳиятини, Президентимиз Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобининг ахамиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Умидахонов Фозилнинг илгор тахрибаси нафақат вилоят, балки бутун Ўзбекистонга машҳурдир. Ўн йилдан буюн унинг ҳаёти ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти билан chambarchас боғлиқ. Умидахонов беш йил корхона бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида фаолият кўрсатди. Ёш мутахассис жамоадаги йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига эришиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсат моҳиятини тушунириш, инновация лойиҳаларига қатнашиш учун уларга кенг имкониятлар яратиш бора-бора салмоқли натижаларга эришмоқда.

– Заводимизда 3,5 минг нафардан ортиқ йигит-қизлар ишлайди, уларнинг 1,7 минг нафардан зиёди “Камолот” аъзоларидир, – дейди У.Фозил. – Ушбу ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бошланғич ташкилот томонидан ўн икки йўналишда иш олиб бориладиган, узок мuddатли лойиҳалар амалга оширилмоқда, танловлар ташкил этилаётди. Танловлар ғолиблари Ўзбекистонимизнинг диққатга сазовор жойларига саёхатга юборилмоқда. Энг фаол ёшлар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг тавсиясига биноан лавозим поғоналарида кўтарилиш имконига эга бўлмоқда. Беш йил

давомида 80 нафардан ортиқ ёш мутахассис ишда юқори лавозимларга кўтарилди.

Ёшларнинг республика форумига нафақат бошланғич ташкилотларнинг бой тажрибига эга вакиллари, балки атиги бир неча йилдан буюн етакчилик қилаётган йигит-қизлар ҳам таширф буюрди. Куч-ғайратга тўла, ёшларни умумий гоё ёки муайян лойиҳа атрофида жипслаштири оладиган, ҳақиқий етакчилик фазилатларига эга бу йигит-қизлар форум туйғайли ўз билим ҳамда кўникмаларини янада бойитиш, илгор ҳамкасблари билан танишиш имконига эга бўлди.

Шунингдек, форум қатнашчилари турли йўналишларга оид лойиҳаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тажриба алмашиш, намунали бошланғич ташкилотлар тақдимотлари билан танишиш, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларининг Низомларини муҳокама этиш, бошланғич ташкилотларнинг келгуси йил иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашиш имконига ҳам эга бўладилар. Таъдир доирасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг энг намунали бирламчи ташкилоти” кўрик-танлови якуний босқичи натижалари ҳам эълон қилинади.

Анжуман давомида маданият, санъат ва спорт намуналари билан кизиктарли учрашувлар, спорт беллашувлари, концертлар ташкил этилади.

Сардор ТОЖИЁВ,
ЎЗА мухбири.

«ЭНГ НАМУНАЛИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ» ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ. Муллаўйчи Тошмухаммедов номли вилоят музыка драма театрида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда танловнинг шаҳар ва туманлар босқичларида ғолиб бўлган маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллари миллий кадрлар, урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удумлари, анъаналарини оммалаштириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасидаги билимларини намойён этдилар.

Баёх-мунозаралар асосида ўтган ушбу танловда биринчи ўрин Чирочки туманидаги Қўдала қишлоқ фуқаролар йиғинига насиб этди.

– Танловда фуқаролар йиғинида спорт ишларини ташкил этиш, ҳужжатларни юритиш, хунармандчилик йўналишлари бўйича юқори натижаларга эришдик. – дейди Қўдала қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умар Жулбулов. – Танловнинг республика босқичида ҳам вилоятимиз шарафини муносиб тарзда химоя қилишга ҳаракат қиламиз.

Ғолиблар ва иштирокчилар ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалар соғвалари билан тақдирландилар.

Тадбирда вилоят ҳокими Туробжон Жўраев иштирок этди.

Хусан ТЕМИРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Элиқалъа туманидаги Гулдирсин овул фуқаролар йиғини ходимлари.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. С.Хужаниязов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 16 та ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этди.

Танловда Элиқалъа туманидаги Гулдирсин овул фуқаролар йиғини биринчи, Кегайли туманидаги Жумибов овул фуқаролар йиғини иккинчи, Нукус туманидаги Қрантов овул фуқаролар йиғини учинчи ўринларни эгаллади.

– Сўнгги йилларда нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларимизда ҳам кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари олиб бориладиган, – дейди танлов ғолиби, Гулдирсин овул фуқаролар йиғини раиси Камолиддин Шарипов. – Ҳудудимизда Сахтиён шаҳарчаси барпо этилди. Унда минибанк, замонавий бозор, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият олиб-бормоқда. Биргина “Гулдирсин нафосати” кичик тикувчилик фабрикасининг ишга туширилиши билан 63 киши доимий иш билан таъминланди. Музафар Эгамбердиев раҳбарлик қилаётган “Сўҳроб Зоҳид” масъулияти чекланган жамиятида эса айни кунда тиббиёт муассасалари кенг қўлланилаётган оёқ кийим устидан кийиладиган целлофан халталар, ишчилар қўлқопи ишлаб чиқарилмоқда.

Давуд АБИУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Фарғона шаҳрида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг туман, шаҳарларида биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган 57 та фуқаролар йиғинининг иш тахрибалари вилоят босқичида иккита шарт асосида баҳоланди. Улар орасидан ўн иккитаси саралаб олинган, кейин уч шарт бўйича беллашув қизгин давом эттирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, танлов муносабати билан ўн иккита ғолиб деб топилган фуқаролар йиғинларида оилавий бизнес асосида фаолият юритаётган хунармандлар томонидан тайёрланган махсулотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ага эттирувчи фото-альбомлар маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ишларга доир кўрсаткичлар, фуқаролар йиғини ҳаётини ага эттирувчи стендлар кўргазмаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Танлов якунига кўра, учинчи ўринни Фарғона шаҳридаги Беҳруний номли маҳалла фуқаролар йиғини, иккинчи ўринни Қўқон шаҳридаги Артинсан буйи маҳалла фуқаролар йиғини, биринчи ўринни эса Олтиариқ туманидаги Янги қўрган шаҳарча фуқаролар йиғинлари эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Навоий Вилояти

▼ ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

«БОҒЛАРИДА ФАРИШТАЛАР КЕЗГАН ҚАРМАНА»

Халқимиз она-ерни, жонажон даласини фарзандидой яхши ҳўради, ардоқлайди. Ҳамиша ерга меҳрини бериб, астойдил меҳнат қилади. Она-замин эса бебаҳо нозу неъматлар билан сийлайди. Деҳқон бепоён дала-ларга қайноқ қалби билан уруғ қадайди, ниҳолни парваришлайди, далалар эса унга мўл-кўл ҳосил хирмонларини ҳадя қилади.

Ер ҳам инсондан ҳар доим меҳр кутади. Инсон ерга қадалган уруғ ва ниҳолларни ардоқлаб ўстиради. Етиштирилган ширин-шакар мевалар, хирмон-хирмон ҳосиллар инсон ва ер меҳрининг махсулидир. Қўш меҳрдан етиштирилган мевалар инсон умрига умр қўшади, насибани бутун қилади. Ернинг меҳрида кўт-баракат бор. Инсон меҳрида ҳосил сирлари яширинган.

Бу йил юртимизда деҳқон ва ер меҳри чамбарчас боғлангани боис, чинакам пахта йили бўлди. Меҳнаткаш халқимиз ибораси билан айтганда; «Худойим берди, бергандайам мўл-кўл берди». Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табриғида алоҳида таъкидланганидек, «Бу галабанинг осонлик билан эмас, ўта оғир шароитда, машаққатли меҳнат ва фидойилик ҳисобидан қўлга киритилгани унинг муҳияти ва аҳамиятини, қадр-қиммати янада оширади ва барчамизни руҳлантиради.»

Шартнома шартларини шараф билан бажарган илғорлар қаторида Навоий вилояти пахтакорларининг ҳам муносиб ўрни бор. Навоийлик миришкор деҳқонлар бу йил 35 800 гектар майдонга экилган уруғни беталафот ундириб олдилар. Йил бўйи қилинган захматли меҳнат ўз самараларини бериб, навоийлик пахтакорлар давлат хирмонига 118 минг тоннадан ортиқ ҳосил етказиб, шартномани ортиғи билан бажардилар.

Вилоятнинг салмоқли хирмонига Хатирчи, Қизилтепа, Навбахор туманлари қаторида Кармана тумани пахтакорлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Кармана вилоятнинг деҳқончилиқ мак-

таби шаклланган кўт-баракали туманларидан бири. Бу ерда ўз ишини пухта биладиган, ерга чинакам меҳр қўйган фермерлар кўп. Ҳосил байрамиде кувонч билан қайд этилганидек, карманалиқ пахтакорлар 18,600 тонна ўрнига 20,000 тонна «оқ олтин» топшириб, шартнома шартларини ортиғи билан бажардилар. Бу улкан хирмонга «Тўхта», «Кармана Ойтош орузи», «Шоди бобо Шукржон», «Ашуров Шукрат», «Воҳид Мусо», «Лочин», «Фарҳод», «Баҳрон ота Хидиров» сингари илғор фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳосил байрамиде Шерқабил Абдуллаев, Бобоқул Раҳимов, Отабек Очилов, Саҳат Юсупов каби илғор механизаторлар, Ойназар Йўлчиев, Фаҳриддин Фаҳзиев каби моҳир сувчилар номи ҳўрмат билан тилга олинди. Туман ҳокими Шарофиддин Исматов йиғим-теримда фаол қатнашган илғор теримчиларга, фермер хўжалиғи раҳбарларига эсдалик совғаларини топширди.

Сирасини айтганда, тумандаги 157 та фермер хўжалиғининг деярли барчаси галла ва пахта сотиш шартнома шартларини бажардилар. Масалан, Ш.Холмирзаев раҳбар бўлган «Шоди бобо Шукржон», Б.Жўраев бошчилиғидаги «Ҳаётлик», Ш.Мардонов етакчилиғидаги «Гузальжўл тонги», С.Раҳимов раҳбарлиғидаги «Подқорон» фермер хўжаликлари шартномани 140-170 фоизга уддалаганликлари бунинг ёрқин мисолидир.

— Яқин орада ҳосил бундай мўл бўлган йилни кўрмаганман, — дейди навоийлик шоир, «Меҳнат шукрати» ордени соҳиби Одил Ҳотамов. — Йил қарашди, деҳқоннинг меҳнатлари бе-

самар кетмади. Кармана тумани худудида Ҳазора, Жалойир, Дўрмон, Арғун, Уйрот сингари тарихий қишлоқлар жойлашган. Бу худудларда ер илмини пухта биладиган ва уни қадрлайдиган тажрибали деҳқонлар яшайди. Фермер хўжалиklarининг ташкил этилгани деҳқонларга қатор кулайликлар яратди. Деҳқон ўзини ернинг эгаси, деб ҳис қилапти. Эгаллик ҳуқуқи ерни қадрлаш, ардоқлаш ва унга янада чукор меҳр қўйиш учун кенг имкониятлар берди. Биласизми, ҳамма гап ердан тўри ва оқилона фойдаланишда. Бизни ер боқишини, ер тўйдиришини унутмайлик. Давлатимиз томонидан берилаётган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, юқори ҳосил олиш йўлларини астойдил ўрганаётган билимдон ва жонқуяр деҳқонларни кўриб хурсанд бўламиз. Ҳосил тўйларида уларнинг юзларидаги, кўзларидаги қувончини кўриб, тасанно деймиз, қуллук қиламиз. Шоир Шоийи Шерназарнинг Кармана ҳақидаги бир шеърини шундай сатрлар бор:

*Тупроғида меҳр унар, оқибат унар,
Гулзоридан кетмас сира
бўлбул, қумрилар.
Илҳом жўшиб шоирлари
қаламни йўнар,
Боғларида фаришталар
кезган Кармана.*

*Фисқу фасод бунда йўқдир,
тамом бегона,
Кўнғил олиб бир-бирига
бўлар парвона.
Лафз бордур, гурур бордур —
бунда ягона
Марди сўйиб, номардлардан
безган Кармана...*

Бугун Карманага бориб, бу бетакор заминда бўлаётган улкан ўзгаришларни кўриб, кўзлар қувнайди, диллар яйрайди. Туман маркази — Кармана шаҳри мустақиллик йилларида батамом ўзгариб кетди. Тарихий ва маданий ёдгорликлар қайта таъмирлан-

ди. Қўчалар қиёфаси батамом янгиланди. Йўллар раvon бўлди.

Энг муҳими, тумандаги қишлоқлар қиёфаси ҳар томонлама ободлик касб этаётди. Барча қишлоқларда замонавий ҚВПлар қад ростлади, ҚФЙнинг янги бинолари қурилиб, ишга туширилди.

— Карманамизда бўлаётган ўзгаришлар мустақилликнинг умрбоқийлиғидан дарак бериб турибди, — дейди гурур билан тумандаги 4-умумтаълим мактабининг директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Гулчехра Сатторовна. — Туманамизда бугунги кунда 29 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. Мактабга-ча таълим муассасалари 17 тани, мактабдан ташқари таълим муассасалари эса 3 тани ташкил этади. Бир қатор мактаблар янгидан қурилди. Бир қисми эса қайта таъмирланди. Деярли барча мактабларимизда замонавий ўқув қуроллари, спорт зали ва майдонлари мавжуд бўлиб, улардан ўқувчилар самарали фойдаланиб келадилар. Масалан, «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг республика босқичи вилоятимизда ўтказилгани биз учун ҳақиқий тарихий воқеа бўлиб қолди. Мусобақаларда туманамиз мактабларидан қатнашган ўқувчиларимиз спортнинг бир қанча йўналишлари бўйича гўлиб бўлганликлари бизга гурур ва ифтихор бағишлади. Мактабларимиздан чиқаётган фан олимпиадалари гўлиблари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Буларнинг барчаси ҳаммамизни бениҳоя қувонтиради. Давлатимиз раҳбари ва республика ҳукуматининг ёшларимизга кўрсатаётган гамхўрлиғи, уларга билирилган юксак ишонч ифодасидир.

Бугун Карманада ким билан, қайси соҳа вакили билан галлашманг, улар ютуқлар, эришилган галабалар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди. Айниқса, фермерларнинг қувончлари чексиз. Улар пахтаси йиғиб-териб олинган қадрдон далаларига меҳр билан дон экиб бўлишиди. Далаларда бугдойлар ниш уриб, майсалар кўзга ташланиб қолди. Демак, деҳқон қалб-қўрнини, меҳрини далаларга пайваста этаётди.

Ашурали ЖўРАЕВ

ТАБИАТ АСЛ ҲОЛИДА ТАБИАТ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан биологик хилма-хилликни сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг барқарор ривожланиши учун биологик хилма-хиллик ресурсларини муҳофаза қилиш муҳим эканлигини эътироф этган ҳолда, 1995 йилда «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияга аъзо бўлди. 1998 йил Ўзбекистон Республикасининг Биохилма-хилликни сақлаш Миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ва у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланди.

Миллий стратегиянинг асосий мақсади — мамлакат биохилма-хиллик ресурсларини бошқаришнинг ягона бош йўналиши ва режалаштириш тўғрисидаги шакллантиришдан иборат.

Биохилма-хиллик бўйича Миллий стратегия тадбирларини амалга ошириш бўйича «2008-2012 йилларда Ўзбе-

кистон Республикасининг атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури» амалга оширилмоқда.

Дастур доирасида Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тизимини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий-текшириш ин-



Зоология институти томонидан «Муҳофаза этиладиган худудларнинг шакли ва таш-


лаштириш чоралари» ва «Муҳофаза этиладиган табиий худудларни самарали бошқариш ҳисобига экин атрофдаги аҳолининг иқтисодий, экологик ва эстетик жиҳатдан фойда олишга йўналтирилган чоралари» ишлаб чиқилди.

Шу билан биргаликда, 2009-2011 йилларда Зоология институти ва Қорақалпоғистон Республикасининг Биология институти томонидан «Экологик мониторинг элементи сифатида Ўзбекистон Республикасининг аҳамиятли балиқ хўжалиғи сув ҳавзаларини паспортлаштириш» бўйича лойиҳа иш-

лари бажарилди. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд табиий сув ҳавзаларининг маҳмузвий ҳолати, гидрокимёвий таркиби ўрганилиб, ҳавзаларда балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этишга тавсия этилди.

Қўмита томонидан муҳофаза этиладиган табиий худудларни сақлашда кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун 10 дан ортиқ медиатур ташкил этилди.

Аҳмаджон РИҲСИБОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.



«Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда)

титутлари томонидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

Биологик ресурслардан барқарор фойдаланиш дастурини амалга оширишда

кил этиш мақсади асосида уларни тузиш ва фаолият юритиш регламенти», «Мавжуд муҳофаза этиладиган табиий худудларни оптимал-

ЯХШИЛИК БИРЛА ҚОЛДИ ОТИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Эркин Шайхоннинг ҳаёт йўли қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ эди. Туман, вилоятнинг масъул вазифаларидан қишлоқ хўжалиги вазиригача бўлган лавозимларда бутун салоҳиятини соҳа ривожига қаратган Эркин Шайхон фаолиятининг кўп қисmini илм билан боғлади ва шу соҳа фанига, мутахассислар тайёрлашга улкан ҳисса қўйди. Салкам 22 йил Тошкент Давлат Аграр университети ректори лавозимида ишлади. Сўнгра фан фидойиси ушбу даргоҳнинг «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти» кафедраси профессори бўлиб фаолият юритди. Умрининг сўнги дамларигача илмга хизмат қилди.

Эркин Турдиевич 1975 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ректор бўлиб келган пайтда бу ерда ҳозирги мутахассис иморатлар йўқ, бори ҳам эски ва пасткам бинолар эди. Қолаверса, лаборатория, селекция хоналари аввал бошдан бунёд этилмаган, бу эса сифатли илм бериш ва дарс ўтиш имконини бермасди.

Шу боис, Эркин Шайхон давлат ишони институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашдан бошлади. Бунинг учун мутахассис идоралар эшигини қочди. Мамлакат иқтисодиётининг эртани аҳоли мана шу масалаларнинг қандай ечим топишига боғлиқлигини тушунирди билди... Қисса вақт ичида тахминан 32 гектар майдонда талабалар шаҳарчаси қад ростлади. Ўқув бинолари, талабалар турар-жойлари, поликлиника, профлакторий, лаборатория хоналари, дорихона, мутахассис спорт мажмуаси барпо этилди.

Бугунги кунда университетда уч муҳим йўналиш — кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқариш ўзаро уйғунликда олиб борилмоқда. Бунда ҳам Эркин Шайхоннинг алоҳида хизматлари бор, десак янглишмаймиз. У кишининг билими, тажрибаси, маслаҳатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни том маънода қўллаб-қувватлаш, талабаларга тушуниришга хизмат қилди. Оддийгина бир мисол: Эркин Шайхоннинг ташаббуси билан таш-

кил этилган «Биофабрика» бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунданлардан ҳимоя қилиш баробарида талабаларнинг назарий билиmini амалиётда қўллашнинг имконини берди. Республикаимизнинг кўпгина вилоятларида биомаҳсулотлар етказиб бериш билан бирга у ерларда биологаториялар очилишига замин бўлди.

Эркин Шайхон кўп йиллар масъул лавозимларда хизмат қилган бўлса-да, илмни ташлаб қўймади. У кишининг илмий ишлари — қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи — пахтачилик истиқболларига бағишланган эди. Эркин Шайхон юзлаб илмий мақолалар, бир неча монографиялар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар ёзди. У киши ташкилотчилигида яратилган «Пахтачилик» энциклопедияси бутун соҳани қамраб олган. Устоз раҳбарлигида юзлаб фан номзодлари, фан докторлари тайёрланди, уларнинг орасида нафақат мамлакатимиз вакиллари, балки яқин ва узоқ хориждан келганлар ҳам бор. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида, олий ўқув юртли ва илмий муассасаларда самарали меҳнат қилаётган юзлаб-минглаб соҳа мутахассислари ўзларини ҳақли равишда устознинг шогирдлари деб билади.

Эркин Шайхоннинг оиласидан ибрат олса арзийди. Турмуш ўртоғи Хотима ая ҳам илмий, ўқимшли аёл бўлиб, оилада-



ги муҳит фарзандлар тарбиясига ўз таъсирини ўтказганди. Бугун фарзандлар, набиралар ҳам илмни қўндалик иш фаолияти билан уйғун олиб боришаптир. Энг муҳими, қандай ҳабада хизмат қилишмасин, эл қорига яраш, юртни равақ топтиришга ҳисса қўшиш нияти билан яшаш уларга отаси, бобосидан мерос бўлиб қолган.

Донишмандлар дейдики: «Инсон умрини мазмунли ва зиёда этадиган уч омил бор: хайрли амал, илм, қобил фарзанд». Академик Эркин Шайхон ҳақида сўз юритарканмиз, донишмандларнинг ушбу ҳикмати ҳаёлга келаверида. Зеро, у кишида ушбу хислатларнинг барчаси муҳасам эди. Устознинг хотираси нафақат фарзандлари, шогирдлари, қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассислари, балки барча зиёлиларнинг ёдида мудом сақланиб туради. Зеро, яхшилик билан қолган ном ҳеч қачон унутилмайди. Дилларда, тилларда, тарих зарварларида тақдорланаверида.

Суннатилла САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

Хоразм Вилояти

Қовун — ЭКСПОРТГА



Воҳа тупроғида етиштирилётган, ўзининг йириклиги, мазаси, анвойи ҳидлари, узоққа ташишда сифати бузилмаслиги билан дунёга машҳур Хоразм қовунларининг шухратини кўпчилик яхши билади.

Айни кунларда бозорларини тўлдириб турган бу мазали қовунларнинг бир қисми хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу борада «Шовот-Қорақум» фермер хўжалиги аъзолари ибратли ишларни амалга оширишмоқдалар. Улар қиймати 17 минг АҚШ долларига тенг 35 тонна қовунни Россияга экспорт қилди.

Шунингдек, Жанубий Кореяга 20 тонна қовун экспорт қилган «Хоразм Қовунлари» МЧЖ аъзолари йил охиригача яна 60 тонна маҳсулотни хорижлик истеъмолчилар дастурхонига етказиб беришни кўзлаб туришибди.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

Фарғона Вилояти

Меҳнат — ХАЗИНА КАЛИТИ



Қува туманининг Қайялма қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Умаржон Абобакиров раҳбарлик қилаётган «Умаржон Абобакиров» паррандачилик фермер хўжалигида 300 бош «Ломани Браун» зотли товуклар парваришланмоқда.

Ўтган йили хўжалик томонидан ҳалқимиз дастурхонига 76 мингдан зиёд тухум етказиб берилди. Жорий йилда тухум етиштириш ҳажми янада ошди. Шунингдек, хўжаликда 6 бош қорамол, 20 та қўй ва бошқа чорва молларининг боқуви ташкил этилиб, аҳолига сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари ҳам етказиб берилмоқда.

— Паррандачилик ва чорвачиликдан ташқари боғи-миздаги 40 туп олма, 40 туп анор ва яна бошқа сархил мевалар, шунингдек, сабзавот экинлари ҳам яхши даромад бермоқда, — дейди фермер. — Меҳнатимиз қадрланаётганини даромадимиз ошаётганида ҳам кўриб туришимиз.

Фотима ҲАТМОВА

Қашқадарё Вилояти

СОЛИҚ

ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР: ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР

Мамлакатимизда Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан 2014 йил охиригача барча тадбиркорлик субъектларини статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топиришининг электрон тизимига бошқичма-бошқич ўтказиш, жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада интерактив хизматлар кўрсатиш қўлами кенгайиб, сифати тобора яхшиланиб бораётир. Бундан биргина Қашқадарё вилояти солиқ тизимида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда вилоятда юридик ва jisмоний шахслар учун солиқ органлари билан вертуал мулоқот, молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни уларга электрон почта орқали юбориш, жавоб тарикасида электрон ахборот олиш оддий ва одатий ҳолга айланган қолди. Бундай хизматлардан фойдаланувчилар сони йил сайин ортиб бораётганлиги ҳам бундан исботлаб турибди.

Ўтган йилнинг шу даврида 14446 та ҳисобот электрон тарзда қабул қилинган бўлса, жорий йилда бу рақам 18186 тани ташкил этиб, 125,9 фоизга ошди. Ҳар бир тадбиркор, корхона ва ташкилот солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда юборишнинг қулай ва афзаллигини ўз тажрибасида аниқ кўрмоқда.

Бундан ташқари, электрон имзо эгаларига бошқа инте-

рактив хизматлар воситасида жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияларни юзатиш, мол-мулк ва ер солиғи бўйича қарзларини олдиндан билиш, солиқ текширишлари режа жадвалидан кўчирма олиш ва солиштирма далолатнома тузиш каби имкониятлар ҳам яратилган.

— Мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга шунчалар кенг имкониятлар яратилмоқдаки, бу аввало, мустақиллик шарофати эканлигини ҳар лаҳзада ҳис этиб турибмиз. Бундан 2-3 йил илгари солиқ органларига ҳисоботларни топиришда навабатда туриб, қанчадан-қанча вақтимиз бекорга кетар эди, — дейди Қарши шаҳридаги «Hunarmand» МЧЖ бош ҳисобчиси Ф.Исанов. — Бугун эса нафақат молиявий солиқ ҳисоботларини, балки пул ўтказмаларини ҳам электрон тарзда амалга оширяпмиз.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, вилоятдаги маҳаллий корхона ва ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилари, солиқ хизмати ходимлари бухгалтерия

ҳисоботини электрон тартибда топириш бўйича доимий равишда ўқитилиб, БЭМ (Бухгалтерга электрон мадад) дастурининг имкониятлари билан кенг таништирилмоқда.

Янги тизим жорий этилиши натижасида қоғоз ва бошқа бланкалар учун кетадиган харажатлар тубдан қисқарди. Солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларини электрон тартибда амалга ошириш, ҳисобот топиришдаги хатоликларнинг олдини олиш, энг муҳими, ягона объектив рақамлар ҳисобини юритиш имконияти яратилди. Бугунги кунда 950 дан ортиқ турли тоифада фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар ушбу дастурни ўзларида жорий этишди.

Бундан кўриниб турибдики, солиқ органларининг келажадаги фаолиятини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур соҳа тараққиёти эса тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратиб беради.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Сурдарё Вилояти

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Ривожланишнинг эволюцион йўли ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, машҳур беш тамойилга асосланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг танланган моделининг изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига бардош берибгина қолмай, балки макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминламоқда.

Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган ислохотлар банк тизими ислохотлари билан узвий боғлиқдир. Тизимда ислохотларни чуқурлаштириш, хусусан, халқро молия бозорига республикамиз банклари нуфузини ошириш, уларнинг барқарорлигини кучайтириш ва ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, капиталлашув даражасини ошириш юзасидан ижобий натижаларга эришилмоқда.

Буни "Ипотека-банк"нинг Сурдарё вилояти филиали томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.

Хўжаликлар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ажратилаётган микрокредитлар оилавий бизнес ривожланишда ёрдам бериб, айниқса, саноат марказларидан олисда жойлашган туманларда аҳолининг турмуш даражасини оширмоқда. Шунингдек, микрокредитлар хунармандчилик ва миллий амалий санъат безаклари ҳамда аъналарини сақлаб қолишда ёрдам бермоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳосил етиштириш учун берилаётган маблағлар, қишлоқ жойларда янги иш жойлари ва янги мулкдорлар синфини вужудга келтириш, янги турмуш тарзи ривожланишида кўмаклашмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида оилаларни, шу жумладан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик, миллий хунармандчилик ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш ва уларга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида ҳам филиал томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йилги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида ипотека, истеъмол ва микрокредитлар учун ёш оилаларга 553,5 миллион сўм, жумладан, истеъмол кредити – 144 миллион сўм, бизнесни йўлга қўйиш учун микрокредитлар – 177 миллион сўм ва 232,5 миллион сўм ипотека кредитлари ажратилди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларни қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори асосан филиал томонидан 7 та кам таъминланган оилага сармоа берилди.

Шунингдек, банк сармоаялари иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш, самарали ишлаб чиқариш йўналишларини жорий этиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашб ресурсларини қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятида устувор ўрин эгаллаган. Филиал томонидан бир қанча хорижий банклар ва молия муассасалари кредит йўналишларини ўзлаштириш ҳамда банкнинг ўз маблағлари асосида кичик

ҳам боғлиқ эмас. Банк томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида айна шу соҳага 801,9 миллион сўмдан зиёд сармоа йўналтирилди.

Тадбиркорларга бизнес фаолияти билан шуғулланишлари учун яратилган имконият



лойиҳаларни кўриб чиқиш ва молиялаш юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда. Ана шу йўналишда 1420дан ортиқ субъектга хизмат кўрсатиб келинаётганининг ўзиёқ фикримизни исбот этади. Утган даврда уларга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида филиал томонидан 6,5 миллиард сўм микдорда кредит маблағлари ажратилди. Агарда ушбу сармоаяни тахлил этадиган бўлсак, барчаси истиқболли тармоқларни тараққий этириши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга йўналтирилганини кўраимиз.

Маълумки, жамиятимизда шундай хунарлар борки, аёллар мөҳнатисиз уларни тасаввур этиш қийин. Дейлик, тиқувчилик ёки каштачилик. Уни фақатгина аёллар эплаши мумкин. Яхшигина даромад келтирадиган ушбу хунарларни касбга айлантираётган, ҳам оилага, ҳам жамиятга фойда келтираётган аёлларимиз бу гун жамиятнинг таянчига айлана бораётир. Аёллар тадбиркорлигига йўналтирилган сармоаялар 602 миллион сўмни ташкил этгани ана шу жараёнга кўмаклашишнинг ёрқин кўриниши бўлди.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Савдо, умумий қувватлаш, транспорт, алоқа ва телекоммуникация, сайёҳлик ҳамда мөмонхона хизматлари каби ўнлаб йўналишларни юксак савияга қўтариш, умуман, бу орқали аҳолига қўлайлик яратиш мумкин.

Шунингдек, филиал биносида қўлайликларга эга бўлган тадбиркорлар хонаси мавжуд. У замонавий компьютер, видео техникалар, интернет, телефон алоқаси ҳамда амалдаги мейёрли хўжалиқлар билан тўлиқ таъминланган. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтириётган саволларга мутахассислардан жавоб олиш имконияти

мавжуд.

Бугун мамлакатимиз банклари аҳолига кенг қўламли банк хизматларини кўрсатиш, янги миқозларни жалб қилиш мақсадида замонавий банк хизматларини мунтазам жорий этаётганига ва бу билан чакана банк хизматлар бозорини фаол ривожлантираётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, бугунги соғлом рақобат муҳити банклар томонидан миқозларга барча қўлайликларга эга хизмат турларини мунтазам равишда ҳаётга татбиқ этиб боришни ва бу борада доимий изланишни талаб этмоқда.

Филиал томонидан миқоз-

лардан бири кичик бизнес субъектларини J-USBP дастури бўйича микрокредитлашди. Ушбу дастурнинг асосий мақсади кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари ташкил этишдан иборатдир. Дастур доирасида 2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 929 миллион сўм микрокредитлар кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган.

Филиал ўз миқозларига янада қўлай шароитларни яратиш, уларнинг вақтларини тежаш мақсадида "Интернет-банкнинг" дастурини жорий этган. Ушбу хизмат турининг қўлайлиги шундаки, миқоз пул маблағларини ҳисобрақамидан банкка келмасдан масофадан туриб бошқариш, ҳисобрақамда мавжуд пул маблағларининг ҳаракатини кўриш имкониятига эга бўлади. Интернет технологиялари асосланган банк хизматлари соҳа тараққийнинг янги босқичи эканлиги – рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бундан ташқари, тадбиркорларга "SMS-хабарчи" хизмати орқали ҳам хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳисобрақамда мавжуд пул маблағларининг ҳаракатини исталган жойда кўриш имконияти яратилган. Хизмат орқали тадбиркорлар ҳисобрақамдаги маблағнинг қолдигини, ҳисобрақамга келган ёки чиқиб кетган суммани уяли телефонлари орқали билиб олишлари мумкин.

Шунингдек, филиал биносида қўлайликларга эга бўлган тадбиркорлар хонаси мавжуд. У замонавий компьютер, видео техникалар, интернет, телефон алоқаси ҳамда амалдаги мейёрли хўжалиқлар билан тўлиқ таъминланган. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтириётган саволларга мутахассислардан жавоб олиш имконияти

ларнинг кенг доирадаги эҳтиёжларини қондириш, улар учун қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида, махсус жамғарма қасдалар, минибанклар тармоқини такомиллаштириш ишларини давом эттирмоқда. Бугунги кунда филиалда 2 та минибанк, 4 та пул ўтказмалари шохобчаси, 4 та жамғарма қасдалари фаолият кўрсатмоқда. Минибанкларни ташкил этиш, аввало, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини жонлантиришга, шунингдек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг банк хизматлари бўлган талабини қондиришга қаратилган.

"Ипотека-банк"нинг Сурдарё вилояти филиали сўнги йилларда чакана бизнесни ривожлантириш бўйича амалий савб-ҳаракатларни жадаллаштириш орқали аҳолининг банкка бўлган ишончини янада оширишни мақсад қилган.

Банк омонатлари бўш пул маблағларини ишга солишинг энг жозибали ва ишончли усули ҳисобланади. Банк томонидан аҳоли омонатларини янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида, жозибадор янги омонат турлари тақдир қилинмоқда. Мана шундай ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи октябрь ҳолатига кўра, филиал томонидан ишончли шахслардан омонатларга жалб қилинган омонатлар ҳажми 1 643 миллион сўмни ташкил қилди.

Бугунги кунда филиалда 3 та халқро пул ўтказмалари шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. "Вестрн Юнион", "Контакт", "Быстрая почта", "Близко", "Мигом", "Мониграм", "Юнистрим", "Золотая корона" тизимлари орқали миқозларга хизмат кўрсатилмоқда. Жо-



рий йилда амалга оширилган ишлар натижасида 11000 дан ортиқ миқозга хизмат кўрсатилди.

Банк нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтирмоқда ва таксимлаштирмоқда. Миллий валютадаги "Ипотека-банк" пластик қарточкаларига эга миқозлар сони ўсиб бормоқда. Бу хизматлар бозорига самарали фаолият ва банк жамоасининг таъриба ва малакаси ошиб бориши ҳамда миқозларнинг ишончи юксалишидан далолат. Филиал томонидан пластик қарточкалар жорий этилгандан буюн миқозларга қарийб 11 мингта яқин пластик қарточкалар тарқатилган. 2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, филиал томонидан жами 274 та савдо, хизмат кўрсатиш терминаллари ўрнатилган бўлиб, улар орқали миқозларга хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган.

"Ипотека-банк" пластик қарточкалар бўйича янада умумреспублика процессинг маркази билан ҳамкорликда "SmartVista" технологиясига асосланган EMV стандартдаги янги тўлов тизими жорий этилмоқда. Ушбу дастур доирасида микропроцессорли пластик қарточкалар муомаласига чиқарилиши ва банк тўлов терминаллари зарур дастурлар билан таъминланди. Шу боис, эндиликда банк савдо терминалларида янги "SmartVista" қарточкаларини тўловга қабул қилиш имконияти мавжуд бўлади. Таъкидлаш жоизки, EMV стандартига ўтиш миқозларга қўшимча қўлайликлар яратиш билан бирга, банкнинг чакана хизматлар бозоридидаги фаолиятини ривожлантириш ҳамда кенг имкониятларга эга бўлишига ҳам хизмат қилади. "Uzkart-Emv" тўлов тизимининг аҳолига ижтимоий жиҳатдан қўлайликлари ҳақида тўхталганда, ушбу тизимда, аввало, қарточкага маблағларни юклаб олишга зарурат қолмаслиги ҳамда ўз наватарида, бу миқозни банк бўлинмаларига бормасан ҳолда, вақтининг тежалишига олиб келишини қайд этиш жоиз.

Банк томонидан аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, аҳоли даромад манбаларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил этиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармоа учун микрокредитлар ажратиш, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар ажратиш ва уларга лизинг хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилаётир.

Иқтисодиёт тараққийети, аҳоли фаровонлигини таъминлашда, банкларнинг фаолиятида молия муассасаларига ишончнинг кучайиши муҳим омил бўлади. Ана шу тамойил асосида иш олиб бораётган банк сармоаялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққийети хизмат қилмоқда.

Шодиёр ЙҮЛДОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ДОИМИЙ ИШГА ЎТКАЗИШДА ХОДИМНИНГ РОЗИЛИГИ МАЖБУРИЙМИ?



Корхонада ўзимга маъқул, ойлик маоши ҳам қониқтирадиган лавозимда ишлаб келардим. Корхона бошлигининг буйруғи билан мени бошқа доимий вазифага ўтказишди. Бунга менинг розилигим олинмиши мажбурий эмасми?

А.БЎРИЕВ

Қарши шахри



Ходимни бошқа ишга ўтказиш деганда унга бир корхона доирасида бошқа мутахассислик, малака ёки лавозим бўйича иш топшириш тушунилади. Доимий бошқа ишга ўтказиш ходимнинг розилиги билан амалга оширилади. Бу борада бошқа ишга ўтказиш билан меҳнат шартлари ва иш жойи ўзгариши орасидаги фарқи ажратиб олиш зарур. **Меҳнат шартлари ўзгариши** меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг ўзгаришидир. Бунда меҳнат функцияси ўзгармайди. **Бошқа ишга ўтказишда** меҳнат функцияси ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат

Кодексининг 91-моддасига мувофиқ, **фақат иш жойи меҳнат шартномасида аниқ шартлашиб олинмаган ҳолларда иш жойини ўзгариши меҳнат шартларини ўзгариши деб ҳисобланмайди ва бу ҳақда ходим билан келишиш талаб қилинмайди.**

Башарти, ходим ишга қабул қилинганда меҳнат шартномасида у мазкур корxonанинг аниқ таркибий бўлинмасида, аниқ механизмда (масалан, автомобилда) ишлаши таъкидланган бўлса, у ҳолда иш жойи ўзгаришига (ходим бошқа таркибий бўлинмага ва шу кабиларга ўтказилишига) фақат ходимнинг розилиги билан йўл

қўйилади. Агар ходим корxonанинг қайси таркибий бўлинмасида меҳнат қилиши меҳнат шартномасида кўзда тутилмаган бўлса, унга бошқа таркибий бўлинмада ишлашни топшириш учун ходимдан розилик сўралмайди.

Шу ўринда ходим доимий бошқа ишга ўтказилаётганда асосланиши керак бўлган умумий шартларни яна бир бор эслатиб ўтамиз.

• Доимий ишга ўтказилаётганда ходимнинг меҳнат функцияси ўзгаради, яъни унга бошқа доирасида амалга оширилиши мумкин.

• Доимий бошқа ишга ўтказиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

• Доимий бошқа ишга ўтказиш ташаббуси ходимдан ҳам, иш берувчидан ҳам чиқishi мумкин.

• Хар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим. Бунда ходимдан тилхат олинмиши лозим.

• Доимий бошқа ишга ўтказиш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Барча ҳолатларда бошқа ишга ўтказишда масаланинг қанчалик қонунийлигига келсак, ходим доимий бошқа ишга оғли ва ихтиёрий равишда розилик берганлиги аниқланиши лозим.

Агар ходим ишга киришган, лекин бошқа ишга ўтказиш ноқонуний деб ҳисобланса, у иш берувчининг хатти-ҳаракати хусусида меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органларга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Саволга Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси маъсул ходимлари Рисолат АБДУЛЛАЕВА, Сарвар АБДУЛЛАЕВ жавоб беришди.



БОЛА АСРАБ ОЛИШ ҚОНДАЛАРИ

Ёлғиз аёл бола асраб олиши мумкинми? Унинг қонуний тартиби қандай?

С.ШАМСИЕВА
Учқудуқ шахри

Амалдаги қонунчилигимиз, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 21 августдаги **“Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги Низомга ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”** - ги қарорига мувофиқ шахс никоҳда турганлиги ёки йўқлигидан қатъи назар, бола асраб олиши мумкин. Бунинг учун бола асраб олишни хоҳловчи шахс яшаш жойидаги халқ таълими бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Ариза;
 2. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат;
 3. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси (агар никоҳда бўлса);
 4. Оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;
 5. Иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;
 6. Иш ёки яшаш жойидан тавсифнома;
 7. Фарзандликка олишга номзоднинг соғлиги тўғрисида тиббий маслаҳат комиссиясининг хулосаси.
- Фарзандликка олишга номзодлар бола тўғрисида батафсил маълумотлар олиш ҳуқуқига эга.

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ҚОЛАТЛАРИ

Васийлик ва ҳомийлик қандай ҳолларда белгиланади?

М.НАСРИТДИНОВА
Учқудуқ шахри

Васийлик ва ҳомийлик ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун туман ёки шаҳар ҳокими-нинг қарори билан белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган шахс яшайдиган жойда, агар шахсининг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшайдиган жойда белгиланади.

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Соғлиги ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

Саволларга Учқудуқ шаҳар ФХДё бўлими мудири Ўткир ЭШИМОВ жавоб берди.

МАХСУС ЙЎЛАК ВА ЗИНАЛАР БЎЛИШИ ЛОЗИМ



Ижтимоий инфратузилма объектларига кириб чиқиши учун ногиронларга қандай имкониятлар яратилиши зарур? Бу қонун билан қаноатланганми?

Камолиддин КЕНЖАЕВ

Яккабоғ тумани

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 10-11-моддаларида ташкилотларга қуйидаги бажарилиши мажбурий бўлган талаблар кўйилган:

Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларида турар-жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморат ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек, темир йўл, ҳаво, сув транспортидан, шаҳарлараро автомобиль транспортидан, шаҳар ва шаҳар атрофида қатнайдиغان йўловчилар транс-

портининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан умумий фойдаланишдаги алоқа воситаси ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш шартлиги ва ушбу қонунда назарда тутилган талабларни бажармаганлик учун ташкилотларга энг кам иш ҳақининг етмиш баробаридан юз баробари миқдоригача жарима солиш белгиланган.

Ушбу Қонун талабидан келиб чиқиб корхона ва муассасаларда ногиронларнинг тўсқинликсиз кириб-чиқиши учун пандус (махсус йўлакча) ва махсус зиналар бўлиши лозим. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини иш

билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низоми 1-бўлим 3-банди ва 6-бандининг иккинчи қисмига асосан давлат меҳнат техник инспекторлари томонидан амалдаги энг кам иш ҳақининг 70 баробаридан 100 баробаригача жарима қўлланилади.

Шу сабабли ногиронларнинг ташкилотга тўсқинликсиз кириб-чиқишлари учун шароитлар яратиш юзасидан тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Камол КУЛАЕВ, Қашқадарё вилояти Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шартлари экспертизаси давлат инспекцияси давлат меҳнат техник инспектори.

МУНИЦИПАЛ МУЛК ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



Муниципал мулк деганда асосан қандай мулклар тушунилади? Бундай мулкни хусусийлаштириш мумкинми?

Ф.НОРКУЛОВ

Қизилтепа тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, ма-

даният, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, бошқа мол-мулк муниципал мулк ҳисобланади.

Муниципал мулк бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Муниципал мулк маҳаллий бюджетта тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

Саволга Қизилтепа тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси С.ЖУМАЕВ жавоб берди.



«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING XUDUDIIY FILIALLARI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ TADBIRKORLARINI OCHIQ TANLOV SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти, Навоий шаҳар ҳокимининг 2012 йил 31 майдаги К-405/05 сонли қарорига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Шлакаблок ишлаб чиқариш цехи қуриш учун Навоий шаҳар Жанубий саноат зонаси ҳудудидан 5000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 3 420 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навоий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган тумансозлик топшириги асосида белгиланади. Тумансозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил сентябрь ойига қадар бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 10 декабрь кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 11 декабрь кuni соат 11:00 да очилади ва шу кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатлати закатлати келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова

қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (яқка тadbirkor сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил қатнашганда ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Танлов ташкилотчиси - «Ko'shmas mulk savdo xizmati» MCHJ Навоий вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Навоий вил, Навоий ш, П.Очилов кўчаси 24-уй, Навоий вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармаси биноси.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закатлат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: АТИБ "Ипотека-банк" Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МҒО: 00205, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Навоий ш., П.Очилов кўчаси 24-уй.

Мурожаат учун тел: (8-436) 224-44-01. 224-15-61. Электрон почта: rieltsvsdo@inbox.uz. Расмий сайти: www.1kms.uz. Лицензия № RR 00011.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Музаббот тумани ҳокимининг 2012 йил 3 сентябрдаги 457-сонли ва 2012 йил 11 октябрдаги 515-сонли қарорларига ва Музаббот тумани ҳокими биринчи ўринбосарининг 2012 йил 4 октябрдаги 01-19/394-сонли ва 2012 йил 2 ноябрдаги 01-21/417-сонли алоқа хатларига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги

ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо ва маийш хизмат мажмуаси қуриш учун, Музаббот тумани, Халқобод ҚФЙ, Ш.Бобоев маҳалласи А.Темур кўчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, 1000 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 496 464 сўм.

2. Савдо ва маийш хизмат кўрсатиш шохбачалари қуриш учун, Музаббот тумани, Халқобод ҚФЙ, Ш.Бобоев маҳалласи А.Темур кўчаси ҳудудида жойлашган, 1, 2, 3 ва 4-сонли, жами 4 дона, ҳар бири 200 кв.м.дан бўлган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 99 293 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Музаббот тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил 31 декабрдаги бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 11 декабрь кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закатлати закатлати келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Музаббот тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 12 декабрь кuni соат 11:00 да очилади, 2012 йил 12 декабрь кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 12 декабрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг тақрири танлов савдоси 2012 йил 28 декабрь ва 2013 йил 15 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақрири танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 27 декабрь ва 2013 йил 14 январь кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Тақрири танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Музаббот тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил

28 декабрь ва 2013 йил 15 январь кунлари соат 11:00 да очилади, 2012 йил 28 декабрь ва 2013 йил 15 январь кунлари соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мажмууд эмас.

Танлов ташкилотчиси - «Ko'shmas mulk savdo xizmati» MCHJ Сурхондарё вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тadbirkorлар маркази" биноси. Тел/факс: (8-376) 227-57-94, Расмий сайти: www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (яқка тadbirkor сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил қатнашганда ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закатлат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: ХОАББ "Траст банк" Термиз шаҳар филиали, х/р: 2020800004920609027, МҒО: 01063, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Сурхондарё вил, Термиз ш, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тadbirkorлар маркази" биноси.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» MCHJ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 11 декабрь кuni соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган навбатдаги очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади: Суд Департаментининг Навоий шаҳар бўлими томонидан ЖИБ Навоий вилояти судининг 04.06.2012 йилдаги 09-297/12-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган: 2011 й. и/ч «EPICA» русумли, д/р 85 Л 099 ВА, бошланғич баҳоси 57 498 000 сўм, «LACETTI» русумли, д/р 21 С 5550, бошланғич баҳоси 28 149 000 сўм.

Макур 2012 йил 11 декабрдаги савдода сотилмаган тақдирда тақрири аукцион савдоси 18, 25 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Шунингдек, 2012 йил 23 ноябрь ва 30 ноябрь кунлари соат 11:00 да тақриран ўтказиладиган аукцион савдосига Суд Департаментининг Навоий шаҳар бўлими томонидан ЖИБ Зарафшон шаҳар судининг

19.07.2012 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, "ЗИЛ-131" русумли, д/р 85 С 938 АА, бошланғич баҳоси 11 265 475 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан туман (шаҳар) Суд ижрочилари ва эгаллик ташкилот вакиллари билан жойига бориб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланғичидан 1 (бир) кун олдин 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 23-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар -Заказлат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг охириги бошланғич баҳосининг 50 (элик) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини савдо ташкилотчиси ҳисобрақамига, тўлов ҳужжатида объект номи-

ни, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» MCHJ Навоий вилоят филиалининг Навоий шаҳар «Илак йўли» банкдаги МҒО: 00199, ИИН: 302083379, ХҲУТ 84200, 2020 8000 4049 3216 8016 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закатлат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Иштирий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 23-уй. Тел.: (8436) 224-84-38.

Гувоҳнома № 004059

ООО "IZUMI-SAN" (ИИН 300464450), зарегистрированное ИПСР Якасарайского Хокимията г. Ташкента (№ 003063-11, 24.05.2007 г.), ликвидировано (решение учредителей № 1/2012 от 07.11.2012 г.). Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Якасарайский р-н ул. А.Каххара д. 18.

Адвокатское бюро "ПРОЕКТОР ZASCHITU" (ИИН 201728969), зарегистрированное в Управлении Статистики г. Ташкента 25.08.2011 г. № 901504, расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н кв-л Ц-13, здание ш. №19, ликвидировано (постановление о ликвидации адвокатского бюро № 5 от 01.11.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования настоящего объявления.

ООО "TAIFAN TEXTILE" (ИИН 301381128), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Якасарайского р-на (№ 004944-11, 25.11.2009 г.), расположенное по адресу: ул. У.Назира д. 32а, ликвидировано (протокол собрания учредителей № 1 от 05.11.2012 г.). Претензии принимаются в течение 6-ти месяцев со дня публикации объявления по тел.: 175-39-52.

ООО "MOZYU GROUP" (ИИН 301133498), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на (№ 005305-08, 13.10.2009 г.), ликвидировано (протокол собрания учредителей от 04.11.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 178-22-11. Адрес: Чиланзар, 10-34Б.

ООО "ART-METALL" сообщает об уменьшении уставного фонда с 287 498 500 сум до 4 000 000 сум. Тел.: +99871 230-95-37.

Утеренное свидетельство о регистрации ООО "BUSAN EXCLUSIVE SERVICES" (ИИН 301754303) за № 005701 от 13.12.2010 г., выданное хокимиятом Якасарайского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

Утеренное свидетельство о регистрации ООО "BUSAN EXCLUSIVE SERVICES" (ИИН 301754303) за № 005701 от 13.12.2010 г., выданное хокимиятом Якасарайского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

"ADOLAT FARM" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгартирилгани маълум қилади. Даволатар учун тел.: 982-82-21.

Ташкент ш. Ултепа т. ТСРҲИда (10.08.2012 й., реестр № 003451-01) рўйхатдан ўтган "MASTER CANDY" МЧЖга (ИИН 301453417) тегишли Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент ш. Ултепа т. ТСРҲИда (09.02.2009 й., реестр № 002682-01) рўйхатдан ўтган "BISYOR OMAD" ХКнинг (ИИН 301057290) устав фонди 163 310 755 сўмдан 108 500 000 сўмга камаийиши маълум қилинди.

Ташкент ш. Шайхонтоҳур т. хокимининг 390 сонли қарори билан рўйхатдан олинган ва Шайхонтоҳур ТСРҲИда (18.05.2005 й., реестр № 09-000629) рўйхатдан ўтган, Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Х.Каримов кўч. 56-уйда жойлашган "SALOBAT" ХК (ИИН 201555538) 05.11.2012 й.даги № 1 сонли қарорига асосан ўз фаолиятини икхтерий тарзда тўғатди. Дебиторлик ва кредиторлик қаравлари бўйича мурожаатлар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой давомлата қабул қилинади. Тел.: 305-31-56, 218-11-61, 184-54-56.

Утеренный договор купли-продажи АШ № 432551 TN на автомобиль Мерседес Бенц 320 Е 1993 г. в. выданный Инспекцией гос. нотариальной конторы № 11 М.Улугбековского р-на 05.04.2012 г. на имя Умирова Рустам Мусурмановича, считать недействительным.

ООО "COMPEX GUM" (ИИН 207121338), зарегистрированное ИПСР Мирабадского р-на (реестр № 005270-03, 10.05.2011 г.) в соответствии с Протоколом внеочередного общего собрания участников от 01.11.2012 г., ликвидировано. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Мирабадский р-н ул. Истиклол, д. 34. Тел.: (995690) 187-07-15.

Ташкент ш. Ултепа т. ТСРҲИда (01.11.2012 й., реестр № 0112266) рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тadbirkor Аммолов Зубар Габуракановича (ИИН 463925442) тегишли дуомалқ муҳр ва бурҷак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Икхтерий юридик коллежи томонидан Мақсутов Нурейит Ермашевтевин номта 28.06.2008 й.да берилган К № 1067795 рақамли йўқалган рақамли 9183) диплом йўқалганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеренный угловой штамп ЧП "JAHON RING-SPORT SERVICE", Хамзинского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

Ташкент ш. Олмазор т. С.Рахимов кўч. 396-уй манзилида жойлашган "ROS STANDART INVEST" МЧЖга тегишли объект (реестр В-162/2010) "Ташкент шаҳар кўчаси мулк тақдирати хизмати" ДВК томонидан берилган ҳақдор ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "RIBIS TRADE" (ИИН 206926919), Алмазарского (быв. С.Рахимовского) р-на г. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда с 3 750 000 000 сум до 1 750 000 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Саидова д. 12.

Республика Қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси жамоаси "Денов" на синаш участкаси бошлиғи Жума Мирзаалиевага пададри бузруквори

БУРХОН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Юрт кўркига ошуфталик туйғуси



Ака-ука Азамат ва Алишер Отабоевларни бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки кўлаб хорижий давлатлардаги тасвирий санъат ихлосмандлари бетақрор истеъдод соҳиблари сифатида яхши билишади. Ўзига хос услубга эга бўлган бу ёш мусавирлар қатор халқаро миқёсдаги кўрикларда иштирок этишиб, нозик таъбли мутахассисларнинг юқори баҳосини олишган. АҚШ, Россия, Туркия, Хитой, Эрон каби мамлакатларда атрофмуҳит муҳофазаси, табиат ва ижодкор нигоҳи мавзуларида ўтган кўргазмаларда уларнинг ижоди иштирокчилар ва томошабиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Зеро она-Ватанимизнинг беназир хусн-жамоли, жаннатмонанд гушаларидаги турфа хил рангин манзаралар Азамат ва Алишер



Азамат Отабоев

асарларининг асосий йўналишини ташкил этади. Улар бугунги озода ва обод Ўзбекистон, унинг мард ва фидойи, ўз юртини жондан севувчи, ана шу муҳаббат ҳосиласи ўлароқ уни гуллатаётган, яшнатаётган халқи сиймосини ёрқин, гоҳ чақноқ ва долғали, гоҳ сокин ва майин туюлувчи тасвирларда акс эттиришади. Тоғларимизнинг залворли юксаклиги, дарёларимизнинг асов саркашлиги, турнакўз булоқларимизнинг мусаффо шўхликлари, осмонимиз тиниқлиги, дашту далаларимиздаги сокин ва собит шиддат уфуриқ туради, улар бир-бирини мутлақо тақролламайдиган, аксинча, бири-бирини тўлдириб, бойитиб, жамулжам ҳолида мукаммал бир яхлитликни ҳосил қилувчи, таъбир жоиз бўлса, жонажон ўлкамиз ҳақидаги гоят гўзал, гоят хушоҳанг қўшиқни эслатувчи картиналари-



Алишер Отабоев

да. Бу икки мўйқалам соҳиб қатор йиллардан буён мамлакатимиздаги "Навқирон Ўзбекистон", "Энг улғу, энг азиз" деб номланган нуфузли кўргазмаларда қатнашиб, юксак эътироф ва муносиб баҳоларга сазовор бўлаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки уларнинг ёруғ, тиниқ ва самимий ижоди шу азиз масканга, она дивёрга, ота маконга бўлган чексиз меҳр, садоқат туйғусидан баҳриёб иқтидор ҳосиласидир.

Азбаски, шундай юксак туйғу билан уйғунлиқда ва бақамти ижод қилаётган бу кўкалдош мусавирлар тасвирий санъатнинг сарбалаңд чўққиларини эгаллашларидан умидвор бўлишга ҳақлимиз.

Х.НЕМЪАТОВ

АЗАМАТ ОТАБОВ ИЖОДИДАН



Сўқоқда тун



Хуксон

АЛИШЕР ОТАБОВ ИЖОДИДАН



Гилонда ёш



Ноябрь куйи



(12 ноябрь - 18 ноябрь)

КҮЙ (21.03 - 20.04)



Янги ҳамкорлар билан яхши натижаларга эришасиз. Ҳамкорларингизда яхши таассурот қолдирай десангиз, ўз ўрнида нималарга қодир эканлигингизни намоён этишга ҳаракат қилинг.

БУЗОҚ (21.04 - 20.05)



Ушбу ҳафтада шошма-шошарлик қилмасликни маслаҳат берамиз. Чунки ҳис-ҳаяжонингизни жиловлай олмаслигингиз оқибатида яқунга етай, деб турган ишни чаппасига айлантириб юборишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (21.05 - 21.06)



Қандай ишга қўл урманг, барчасини уддалайсиз. Бунинг учун сизда вақт ва куч-гайрат етарли. Сизга берилган яхши имкониятдан тўғри фойдаланинг. Шундагина дам олиш кунлари бамайлиқотир ҳордиқ чқаришга ҳақлисиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 - 22.07)



Ҳаётингизда жиддий ўзгариш рўй бериши мумкин. Агарда сиз бундан чўчиётган бўлсангиз, ҳавотирларингиз мутлақо ўринсиз. Шундай экан, ўзингизни ҳам бошқаларни ҳам хурсанд этишда давом этаверинг.

АРСЛОН (23.07 - 23.08)



Келаётган ҳафта хизмат погонасида юқри-лашингиз учун жуда қўлай вақт. Фақатгина кимнинг ҳузурини, қандай сузлашни билсангиз, бунинг улдасидан чиқасиз. Шу кунларда бироз соғлиёнингизга эътиборлироқ бўлинг.

ПАРИЗОД (24.08 - 23.09)



Сиз ўзингиз билмаган ҳолда инсонларга кўтаринки кайфият улашасиз. Шунинг учун кўпчилик сиз билан ҳамсуҳбат бўлишга ҳаракат қилади. Ўз даврасида сизни кўришни истайди ва турли тadbирларга тақлиф этади.

ТАРОЗИ (24.09 - 23.10)



Шу кунларда сиз ўзингиздан, ишларингиздан қониқмаясиз. Ундай бўлса, шу кунгача улдасидан чиққан ишларингизни бир сарҳисоб қилиб кўринг. Балки шунда ўзингиздан қониқмаслик ҳисси орта чекинара.

ЧАЁН (24.10 - 22.11)



Ўз устингизда ишлашдан асло эринманг. Чунки, келгусида режалаштирган ишларингиз сизнинг қобилиятингиз ортисига боғлиқ. Бу борада бироз илдам ҳаракат қилишни, ҳар бир ишда чаққон бўлишни маслаҳат берамиз.

ЎҚОТАР (23.11 - 21.12)



Келаётган ҳафта сиз учун қутилмаган учрашув ва қизиқарли мулоқотларга бой бўлади. Сиздан ажойиб суҳбатдош чиқиши аниқ. Фақат атрофдагилар билан мулоқот чоғида бироз сертакалуф бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 - 20.01)



Фаолиятингизни ўзгартаришни ҳаёлингизга ҳам келтирмагансиз. Лекин яқин кунларда сизга айнан шундай тақлиф билан мурожаат қилишлари мумкин. Кўп ўйлаб ўтирмай рад жавобини бераверинг. Сиз ўз ишингизнинг устасисиз.

ҚОВҒА (21.01 - 20.02)



Бекорчи хомхаёвларга берилмасдан, бўлгандан нарсалар ҳақида ўйланг. Бундай вақтда зиммангиздаги вақифалар ҳам эсингизга келмаслиги мумкин. Шундай экан, бунинг оқибатини жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади.

БАЛИҚ (21.02 - 20.03)



Бу ҳафтада яхшигина моддий даромад оласиз. Шу ўринда саломатлигингизга алоҳида эътибор беришингиз мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, моддий даромадингизнинг маълум қисмини дори-дармонга сарф этишга тўғри келади.

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнология тармоқидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Зафар РҮЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эрон ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдуваҳаб ТАМИКОВ, Маъмур ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонилла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҲУЛОМОВ, Муроддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-25-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Наманган — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Суҳробулоқ — (+99890) 519-96-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:

236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буржумчи жавобгар

ISSN 2013-7021



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтасизилган.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА

Мусоҳибот: А.ЭЛМУРОДОВ

Дизайнер: И.СОБОУЛМАСИДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чикади. Буржум Г-1114, ҳақми 2 босма табқ.

Офсет усулида босилди, қўғоз бичими А-3.

Маъналимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.00
15007 нускада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахрирининг ўзидан компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик шirkатининг босма хонасида босилди. Маъналий: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.